



NAVOIY VILOYATI KONIMEX TUMANI HOKIMINING Q A R O R I

2022 - yil 21 - oktabr

188-5-70-Q/22

Konimex tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижроси тўғрисида

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарорига мувофиқ, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб ахлоқининг намунавий қоидалари” (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) ҳамда “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом” тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Конимех тумани ҳокимлиги ходимлари одоб-ахлоқининг қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Конимех тумани ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2-

иловага мувофиқ;

Конимех тумани ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тумандаги хўжалик бошқаруви органларига Одоб-ахлоқ қоидалари асосида ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

6. Туман адлия бўлими (Исроилов), тумандаги корхона ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг қарори мазмун-моҳиятини давлат хизматчилари ўртасида тушунтириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этсин.

7. Туман ҳокимининг 2016 йил 11 мартдаги Қ-136 қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг барча ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Конимех туман ҳокими



Р.Рўзиев

Конимех туман ҳокимининг
2022 йил 21 октябрдаги
188-5-70-Q/22-сон қарorigа
1-илова

Конимех тумани ҳокимлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг қоидалари (кейинги ўринларда - одоб-ахлоқ қоидалари) туман ҳокимлиги ходимларининг (кейинги ўринларда - ходимлар) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда ходимларнинг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

2. Ходимлар ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Ходимлар меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

ходимнинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқдисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Ходимлар ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Ходимлар одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7.Туман ҳокимлиги ходимлари:

фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намоиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, туман ҳокимлиги фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан одилона ва самарали фойдаланиши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

8. Ходимлар ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини

бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

9. Ходимлар хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, соҳтакорлик ва суистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

ходимлар ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан

тийилиши керак.

10. Раҳбарлар қуйидагиларга мажбур:

буйсунувидаги ходимларига профессионализм, ҳалоллик, ҳолислик ва адолатлиликда ўрнатилган бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

ходимларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

ходимларнинг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

ходимлар томонидан коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

буйсунувидаги ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига ҳолис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Раҳбарлар буйсунувидаги ходимларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

4- боб. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

12. Ходимлар ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

13. Ходимлар ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиши;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

5- боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан

муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

14. Ходимлар оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, туман ҳокимлиги фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

15. Давлат сиёсати ёки туман ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар туман ҳокими ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

16. Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки туман ҳокимлиги фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

17. Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан туман ҳокимлиги фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, туман ҳокимлиги унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

18. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда кадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, ходим ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, кадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига даҳл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид

одоб-ахлоқ қоидалари

19. Ходимларнинг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг туман ҳокимлиги фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

20. Ходимларнинг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва

расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

21. Ходимларнинг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид кўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

22. Туман ҳокимлиги ходимлари ташқи кўриниш ва кийиниш услубида қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

-кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда бўлмаслиги;

-кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши;

-ходимнинг турли дин ва конфессиялар ҳамда турли субмаданиятларга мансублигини акс эттирувчи кийимларда бўлмаслиги;

-умумэътироф этилган миллий-анъанавий шаклларга ва маънавий ахлоқий тарбияга зид келмайдиган кийимларда бўлиши;

-иш вақтида бош кийимсиз юришлари;

-эркаклар мавсумга қараб – классик услубдаги шим, костюм-шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), кўйлак (оқ, ҳаво ранг ва шу каби), бўйинбоғ, поябзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиши;

-аёллар мавсумга қараб – классик услубдаги юбка, костюм-юбка (имкон қадар қора, тўқ кўк рангли), ҳаво ҳароратига қараб классик услубда шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангли), танани шаффоф кўрсатиб турмайдиган кофта (оқ, ҳаво ранг ва шу каби), кўйлак, пойабзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиши.

Шунингдек, ходимларнинг ташқи кўриниши бўйича қуйидаги талаблар белгиланади:

-танасининг очиқ қисмига татуировка туширилмаган ёки пирсинг қилинмаган бўлиши, соқоли олинган, сочи тартибга келтирилган ва ёрқин (ғайриоддий) рангларга бўялмаган бўлиши;

-қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юрмаслик;

-аёллар юзини кўзга ташланадиган даражада макияж қилмаган, сирға тақилганда оддий бўлиш.

Махсус хизмат кийимлари жорий қилинган ходимларнинг кийиниши бўйича алоҳида талаблар белгиланиши мумкин.

7- боб. Манфаатлар тўқнашуви

23. Ходимлар мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

24. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

8- боб. Ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш

25. Ходимларни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, туҳмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш туман ҳокими томонидан амалга оширилади.

26. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик курилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва ҳавф-ҳатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

9- боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат туман ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи ёки одоб-ахлоқ комиссияси, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

28. Конимех тумани ҳокимлигида лавозимга тайинланган ходимлар инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари томонидан мазкур одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

29. Мазкур одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви туман ҳокимининг кўрсатмасига мувофиқ одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувини ўтказиш тартиби туман ҳокимлиги томонидан белгиланади.

10-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

30. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

31. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ходимларга қуйидаги ахлоқий таъсирчоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

туман ҳокимлиги йиғилишларида танбеҳ бериш.

32. Одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун туман ҳокимига тақдимнома киритиши мумкин.

одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари туман ҳокими томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни вилоят ҳокимига юборади.

33. Ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

11-боб. Яқуний қоида

34. Туман ҳокимлиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ ўз идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди.

Конимех туман ҳокимининг
2022 йил 21 октабрдаги
188-5-70-Q/22-сон қарorigа
2-илова

Конимех тумани ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом туман ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия туман ҳокимлиги ходимлари (кейинги ўринларда ходимлар) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқининг қоидаларига, ушбу низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимлар киритилади.

Комиссия таркиби туман ҳокими қарори билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

ходимлар ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир муружаатларини кўриб чиқиш;

ходимларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

ходимларнинг одоб-ахлоққоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида туман ҳокими ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳулосалар тайёрлайди;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан ходимларга тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан туман ҳокимига таклиф киритади.

7. Комиссия давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади.

8. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ушбу

низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабулқилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

11. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлисининг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

14. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

Ҳар йили туман ҳокимига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

15. Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

16. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўрибчиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабулқилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқиладиган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.

17. Комиссияси аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

18. Комиссия мажлисида куриладиган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

4-боб. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини куриш

19. Комиссия туман ҳокимлиги ташкилий кадрлар гуруҳи билан биргаликда мунтазам равишда ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

ходимларда юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш:

ходимлар “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

туман ҳокимлигида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

ходимларнинг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

ходимларнинг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган ходимларни одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

ходимларни малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

20. Комиссия ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

21. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини

олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан туман ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ташкил этилади.

22. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

5-боб. Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

23. Комиссия ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

туман ҳокимининг топшириғига кўра;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;

ходимларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

24. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқиладиган ходим, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўқинлик қилмайди.

25. Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

туман ҳокими топшириғи ёки ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган ходим ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
Комиссия фаолиятини ташкил этиш			
1-босқич	Давлат органи ва ташкилоти раҳбари	1. Давлат органи ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссияларини (кейинги ўринларда - Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда шакллантириш. 2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларини киритиш. 3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.	Икки хафта муддатда
		4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.	Заруратга кура
2-боқич	Комиссия раиси	Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши мажлисига раислик қилади. Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади. Давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.	Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб Ҳар йили йил якуни бўйича
	Комиссиянинг котиби	Кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади. Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди. Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.	Мажлисдан камида икки кун олдин Мажлисдан кейин бир кун муддатда
II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш			

1-босқич	Комиссия Давлат органининг таркибий бўлинмалари касаба уюшмалари қўмиталари	<p>Комиссия мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чоратadbирларни амалга оширади:</p> <p>давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий мухит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;</p> <p>давлат хизматчилари "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;</p> <p>давлат органи ва ташкилотида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;</p> <p>давлат органи ва ташкилотида ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш;</p> <p>давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;</p> <p>янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;</p> <p>давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.</p>	Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида
----------	--	---	--

2-босқич	Комиссия	Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлигини Комиссия йиғилишида муҳокама қилади.	Ҳар йили яқунлари бўйича
III. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ			
1-босқич	Комиссия	Комиссия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни: давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра; хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан; давлат хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан; ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.	Заруратга кўра
2-босқич	Комиссия раиси ва аъзолари	Комиссия мажлисида: кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади; давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғи ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчилар тушунтиришлари эшитилади.	Мажлис ўтказиладиган кун
	Давлат хизматчиси	Ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини химоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақди.	

3-босқич	Комиссия	<p>1. Мажлис якуни бўйича давлат хизматчисининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда давлат хизматчиларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўллаиди: огоҳлантириш; ўзр сўраш ёки расмий ўзрнома келтиришни талаб қилиш; давлат органи ва ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида танбех бериш.</p> <p>3. Давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органи ва ташкилоти раҳбарига такдимнома киритиши мумкин.</p> <p>4. Қабул килинган қарор ҳақида муурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қилади.</p>	Мажлис ўтказиладиган кун
4-босқич	Комиссия	Одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.	Заруратга кўра
5-босқич	Давлат хизматчиси	Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.	Заруратга кўра

Конимех туман ҳокимининг
2022 йил 21 октабрдаги
188-5-70-Q/22-сон қарorigа
3-илова

Конимех тумани ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.Ш.		Лавозими
1.	У.Сайтов	-	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, <i>комиссия раиси</i>
2.	М.Касимов	-	Туман ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари, <i>комиссия раисининг ўринбосари</i>
3.	Вақант	-	Туман ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи етказчи мутахассиси, <i>комиссия котиби</i>
комиссия аъзолари:			
4.	С.Муратов	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
5.	М.Мавлонов	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
6.	Г.Юлдашов	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
7.	К.Шамшиев	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
8.	С.Написова	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
11.	Г.Наринбетова	-	Туман ҳокимининг маслаҳатчиси
12.	З.Шукурова		Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти
13.	О.Жангиров	-	Туман ҳокимининг матбуот котиби
15.	Т.Айназаров	-	Туман ҳокимлиги девонхона мудири

Изоҳ: Туман ҳокимлиги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини кўриб чиқиш комиссияси аъзолари таркибидаги шахсларнинг эгаллаб турган лавозимлари ўзгарган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган раҳбарлар хизмат лавозими бўйича ушбу комиссиянинг аъзоси ҳисобланади.